



ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ИЛМИЙ ЁНДАШУВ ЁРДАМИДА БАҲОЛАШ

и.ф.д., проф. Исаев Фахриддин Икромович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” илмий тадқиқот маркази
ORCID: 0000-0001-7760-5866
faxriddin87@mail.ru

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистонда солиқ сиёсатини илмий ёндашув ёрдамида баҳолашнинг бугунги кундаги аҳамияти тўлиқ очиб берилган. Бунда аввало мавзуга доир илмий адабиётлар шарҳи келтирилади, янги назарий ёндашувлар ҳамда солиқ соҳасида тан олинган мутахассис олимларнинг илмий ишланмалари таҳлил қилинган. Сўнгра умумий хулоса ва таклифлар ҳам билдирилиб, илмий асосда солиқ сиёсатини шакллантириш ва такомиллаштириш борасидаги асосий йўналишлар аниқланган. Шу орқали мамлакатимиз иқтисодий ўсиши ва ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш йўлида зарур тавсиялар тақдим этилган.

Калит сўзлар: солиқ, солиқ сиёсати, иқтисодий тенгсизлик, солиқ тўлашдан қочиш, бойлик, даромад.

ОЦЕНКА НАЛОГОВОЙ ПОЛИТИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ НАУЧНОГО ПОДХОДА

д.э.н., проф. Исаев Фахриддин Икромович
Научно-исследовательский центр «Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана» при Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В данной статье в полной мере раскрывается актуальность оценки налоговой политики в Узбекистане с использованием научного подхода. Вначале представлен обзор научной литературы по теме, проанализированы новые теоретические подходы, а также научные разработки признанных специалистов в области налогообложения. Затем были сделаны общие выводы и предложения, определяющие основные направления формирования и совершенствования налоговой политики на научной основе. Благодаря этому были предоставлены необходимые рекомендации для обеспечения экономического роста и социально-экономической стабильности нашей страны.

Ключевые слова: налог, налоговая политика, экономическое неравенство, уклонение от уплаты налогов, богатство, доход.

EVALUATION OF TAX POLICY IN UZBEKISTAN USING A SCIENTIFIC APPROACH

DSc, prof. Isaev Fakhridin Ikromovich

Scientific Research Center "Scientific Foundations and Problems of the Development of the Economy of Uzbekistan" at Tashkent State University of Economics

Abstract. *This article fully reveals the current importance of assessing tax policy in Uzbekistan using a scientific approach. First, a review of the scientific literature on the topic is presented, new theoretical approaches and scientific developments of recognized specialists in the field of taxation are analyzed. Then, general conclusions and proposals are made, and the main directions for the formation and improvement of tax policy on a scientific basis are identified. Through this, the necessary recommendations are provided to ensure the economic growth and socio-economic stability of our country.*

Keywords: *tax, tax policy, economic inequality, tax evasion, wealth, income.*

Кириш.

Ҳар бир мамлакат иқтисодиётида солиқ тизими давлат бюджети шаклланиши, жамият тараққиёти учун муҳим бўлган инфратузилма, таълим, соғлиқни сақлаш каби соҳаларни молиялаштиришда асосий манба сифатида эътибор қаратади. Шу сабабли, солиққа тортиш амалиётини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш давлат сиёсатининг долзарб вазифаларидан бири саналади (Smith, 1776; Musgrave, 1959). Жаҳон бозорида рақобат тобора кучайиб, глобал иқтисодий муносабатлар чуқурлашиб бораётган бир шароитда мамлакатлар солиқ сиёсатини қайта кўриб чиқиши ва унга илмий ёндашув билан ечим топиши мустақил тараққиётни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади (Stiglitz, 2010).

Замонавий иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан инвестиция муҳити, бизнесни очиқ юритиш имконияти ва тўғри шакллантирилган солиқ сиёсатини талаб қилади. Солиқ тизими, бир томондан, бюджет даромадларини барқарор тарзда таъминлаш воситаси сифатида хизмат қилса, иккинчи томондан, хусусий сектор фаолиятини кучайтириш, аҳоли бандлигини ошириш ва рақобатни рағбатлантириш мақсадида турли дастурларни амалга ошириш йўналишларини белгилаб беради (Ricardo, 1817). Масалан, кичик бизнес учун енгиллаштирилган солиқ ставкалари ёки имтиёзлар уларни рағбатлантириши, табиийки, фаолият кўламини кенгайтиришга имкон яратади. Бироқ бу имтиёзлар давлат бюджети харажатлари билан ҳам уйғунлашиши керак, чунки асосий ижтимоий соҳаларни ҳам барқарор молиялаштириш талаб этилади (Musgrave, 1959; Leontief, 1986).

Ўзбекистонда охириги йилларда солиқ ислохотлари жадал суръатда кечиб, янги Солиқ кодекси қабул қилингани, солиқ турларининг қисқартирилиши ва ягона солиқ ставкаларининг жорий этилиши натижасида бизнес учун қулай муҳит яратиш мақсад қилинган (Давлат солиқ қўмитаси, 2022). Шу билан бирга, инвестициявий муҳитни яхшилаш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда ноқонуний иқтисодиёт улушини қисқартириш учун тезкор ислохотлар давом этаётган бир шароитда солиқ сиёсатини доимий илмий таҳлил қилиш талаб этилади. Солиқ таҳлили (tax analysis) — бу мамлакатдаги энг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсир этувчи солиқ режалари, ставкалари, имтиёзлари ҳамда бошқа соҳа билан чамбарчас боғлиқ механизмларни комплекс баҳолайдиган илмий-амалий жараён дир (Stiglitz, 2010; Samuelson, 1954).

Таҳлилсиз қабул қилинган ҳар қандай солиқ чораси бюджет даромадларига, амалий сиёсатга ва иқтисодий агентлар рафторига (тўловчилар, инвесторлар, истеъмолчилар) кутилмаган оқибатлар олиб келиши мумкин. Шундай экан, илмий ёндашув стратегиясини таъминлайдиган солиқ таҳлили, давлат сиёсатининг энг муҳим

жиҳатларидан бири сифатида қаралиши зарур (Tilly, 1990). Жаҳон амалиётида, хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея, Сингапур каби мамлакатларда Congressional Budget Office (CBO), Office for Budget Responsibility (OBR), ёки мустақил илмий марказлар кўмагида ҳар бир янги қабул қилинаётган солиқ чораси ёки фискал сиёсат ҳақида олдиндан тахминлар ишлаб чиқилади, рисклар баҳоланади (Keynes, 1936; Laffer, 1985).

Бугунги кунда глобал иқтисодиёт рақамлаштириш жараёнлари, инновацион технологиялар ҳамда янги бизнес-моделларнинг пайдо бўлиши билан янада мураккаблашиб бораётганлиги туфайли солиққа тортишда ҳам янгича механизмлар ва илмий ёндашувлар талаб этилмоқда (Piketty, 2014). Рақамли иқтисодиёт учун мўлжалланган солиқ сиёсати, электрон тўловлар ва криптовалюталардин солиққа тортиш борасида бир нечта илғор лойиҳалар айрим давлатлар томонидан жорий этилиши тест режимида кузатилмоқда. Ушбу шароитда илмий таҳлил қилиш, ҳар бир қадамни моделлаштириш ва тахминлар сифатида баҳолаш муҳим аҳамиятга эгадир (Leontief, 1986).

Адабиётлар шарҳи

Солиқ таҳлили — иқтисодиёт фанининг муҳим бир тармоғи бўлиб, унда солиқ тизимининг иқтисодий ўсиш, бозор муносабатлари ва жамият фаровонлигига кўрсатадиган таъсири илмий ўрганилади (Musgrave, 1959). Қуйида солиққа тортиш масалалари бўйича илмий адабиётлар шарҳи, хусусан, бу соҳага салмоқли ҳисса қўшган машҳур олимларнинг қарашлари ва иқтибослари келтирилган.

Смит (1776) давлат учун энг муҳим молия манбааси солиқ эканини таъкидлар экан, солиқ шундай ташкил этилиши керак-ки, у тўловчилар учун тушунарли, қулай ва одил бўлсин. Смит (1776) ғояларига кўра, ҳар бир шахс шахсий имкониятига мос тарзда давлат харажатларини қоплашда қатнашиши керак, чунки жамиятда умумий фаровонликни таъминлаш бевосита ҳар бир шахс масъулияти билан боғлиқ.

Рикардо (1817) солиқ сиёсатининг иқтисодий агентлар фаолиятига таъсирини чуқур таҳлил қилади. У одиллик тамойили ва солиқ юкини муносиб тақсимлаш зарурлигини қайд этиб, юқори ставкалар иқтисодда сармоя сустрлашуви ва рақобатбардошлик пасайиши мумкинлигини таъкидлайди.

Кейнс (1936) циклик таназулларни юмшатиш учун давлат харажатларини ошириш ва солиққа тортишни баланслаш муҳимлигига эътибор қаратади. Унга кўра, иқтисодиётда рецессиянинг олдини олиш учун давлат субсидиялари ёки рағбатлантирувчи солиқ чоралари жорий этилиши кутилган самара бериши мумкин.

Лаффер (1985) солиқ тушумларининг мувофиқлаштирувчи модели сифатида танилган “Лаффер эгри чизиғи” гипотезасини таклиф этган. Унга кўра, солиқ ставкаси маълум бир нуқтадан ошиб кетса, соядаги иқтисодиёт кенгайиши сабабли давлат бюджети тушумлари қисқариши мумкин. Демак, иқтисодда жуда юқори солиқ юкини белгилаш ҳам мақсадга мувофиқ бўлмайди, чунки бу рақобатни сусайтириб, ноқонуний иқтисодиётни кўпайтириши мумкин.

Масгрейв (1959) солиқ сиёсатининг жамиятдаги учта асосий вазифаси — тақсимот, қайта тақсимот ва молиялаштиришни мукамал илмий асосда таҳлил қилади. Муаллиф фикрича, солиқ тизими бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодиётни рағбатлантириши, ҳам аҳоли даромадлари ўртасида адолатни таъминлаши, ҳам бўш бюджет манбаларини муҳим соҳаларга йўналтириши лозим.

Тилли (1990) сиёсий-ижтимоий иқтисод нуқтаи назаридан солиққа тортишни ўрганиб, бу жараён давлат қурилиши ва сиёсий барқарорликка қандай таъсир қилишини кўрсатиб беради. Унинг фикрича, солиқ тизими фақат иқтисодий эмас, балки сиёсий муносабатлар барқарорлиги учун ҳам пойдевор ҳисобланади, чунки солиқ

йиғими орқали давлат ўз харажатларини таъминлайди ва сиёсий институтларини мустаҳкамлайди.

Стиглиц (2010) солиқ сиёсати мақсади, бозор муаммолари (market failures) ни қисқартириш, иқтисодда адолатли тақсимот ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришдан иборат бўлиши кераклигини таъкидлайди. У бозор механизмлари етарли шароитда ишламай қолиши мумкин бўлган вазиятларда давлат солиқ сиёсати билан маълум бир тармоқни рағбатлантириши ёки табиий монополия ҳолатларини назорат қилиш зарурлигини уқтиради.

Леонтьев (1986) эса “input-output” таҳлил ютуқлари билан машхур бўлиб, турли тармоқларда солиқ ставкаларини ошириш ёки камайтириш бошқа соҳаларда ҳам айланма таъсирлар келтириб чиқариши мумкинлигини кўрсатиб беради. Шу боис солиқ тизимини ислоҳ қилишда тармоқлар ўртасидаги боғлиқликни ҳисобга олиш илмий ёндашув учун муҳимдир.

Самуэльсон (1954) эса давлат иқтисодининг назарий асосларини чуқур изчил ўрганган ҳолда, солиқ сиёсатини иқтисодий барқарорлик ва фаровонликни таъминловчи дастлабки шароитлардан бири сифатида таъкидлайди. У давлат харажатлари ва солиқлар ўртасидаги узвий боғлиқлик, бозор муносабатларининг турли сегментларига солиқ ставкалари қандай таъсир қилиши борасида бир қанча илмий ишланмаларга асос бўлган.

Пикетти (2014) эса асарларида даромадлар ва бойлик тенгсизлиги муаммосига эътибор қаратган. У капитал тўпланиши жараёнида айрим мамлакатларда тенгсизлик кучайиши мумкинлигини айтади ва бундай ҳолда прогрессив солиқ ставкалари ёки бойлик солиқларини мунтазам равишда қайта кўриб чиқиш лозимлигини илгари суради. Чунки иқтисодиётда ноадолатли тақсимот ҳаддан зиёд чуқурлашса, ижтимоий-сиёсий беқарорликка ҳам олиб келиши мумкин.

Юқорида келтирилган олимлар ва уларнинг илмий мероси солиқ тизимини илмий асосда шакллантириш ҳамда баҳолаш жараёнида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Замонавий босқичда, айниқса рақамли иқтисодиёт, инновацион стартаплар, электрон тўловлар каби янги йўналишлар тадбиқ этилиб бораётган бир пайтда, солиқ соҳасида илмий-таҳлилий ёндашув ҳаётий эҳтиёж сифатида намоён бўлмоқда.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Солиқ сиёсатини илмий асосда баҳолаш, рақамли маълумотлар билан ишлаш ва эришилган натижаларни мунтазам кузатиб бориш ҳар бир мамлакат иқтисодиётида устувор аҳамият касб этади. Бунда солиқ ставкалари, имтиёзлар, маъмурий жараёнлар ва уларнинг натижасида шаклланадиган бюджет даромадлари моддий-иқтисодий тараққиётда катта роль ўйнайди (Musgrave, 1959). Ўзбекистон сўнгги йилларда солиқ сиёсатида бир қатор жиддий ислохотлар амалга ошириб, турли соҳаларда иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш мақсадида кўплаб энгиллаштирувчи механизмлар жорий этди. Жаҳон тажрибасида эса Германия, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Сингапур каби мамлакатларда ҳар бир янги солиқ тартиб-қоидалар илмий ёндашув билан баҳоланиши натижаси ўлароқ, иқтисодий ўсиш суръатлари мунтазам равишда барқарор сақланиб келади (Stiglitz, 2010). Ушбу тадқиқотимизда ана шундай илмий ёндашув зарурати ва амалда кузатилаётган асосий иқтисодий кўрсаткичлар ҳақида аниқ маълумотлар тақдим этишга ҳаракат қилганмиз.

Солиқ сиёсатини баҳолашда дастлаб унинг макроиқтисодий кўрсаткичларга — ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсиши, инфляция даражаси, ташқи қарз юки динамикаси, бюджет харажатлари ҳамда норасмий иқтисодиёт улушига кўрсатаётган таъсирини ўрганиш лозим (Keynes, 1936). Турли мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, жуда юқори солиқ ставкалари бир пайтда бюджет тушумларини ошириши мумкин, бироқ шунга пропорционал равишда ишлаб чиқариш таннархи ортиши, рақобатбардошлик

пасайиши, чакана бозорда нархлар ўсиши, турли маъмурий-қонуний бюрократия кўпайиши ҳисобига реал иқтисодий ўсиш сустлашиши эҳтимоли юзага келади (Laffer, 1985). Аксинча, жуда паст ставка эса ташқи қарзни қайтариш, инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш, аҳоли фаровонлигини ошириш каби йўналишлар учун зарур ресурслар етишмаслигига олиб келиши мумкин (Ricardo, 1817).

Ўзбекистонда 2022–2023-йиллар оралиғида амалга оширилган ислохотлар доирасида янги Солиқ кодекси имкониятлари кенгайтирилиб, кичик бизнес учун баъзи енгиллаштирувчи ставкалар жорий этилди. Расмий маълумотларга кўра, 2023 йилда ички талабнинг фаол сақланиб қолиши натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми 1 066 569 млрд сўмни ёки 90,9 млрд АҚШ долларни ташкил этиб, белгиланган прогноз параметрга (5,3%) нисбатан 0,7 фоиз бандга юқори ўсиб, 2022 йилга нисбатан 6 фоизга ошди (MinFin, 2023). Бу ўсиш қарийб охириги беш йил давомида кузатилаётган барқарор позитив динамикага мос келади. Таҳлилчилар фикрича, бунда давлат томонидан камайтирилган солиқ ставкалари ва рақамли технологиялар билан боғлиқ имтиёзлар муҳим аҳамият касб этган (MinFin, 2023). Жумладан, ахборот технологиялари (IT), муҳандислик лойиҳалари, тармоқлараро инновацияларга ажратилган имтиёзлар хорижий сармоядорлар оқимини кўпайтириш билан бирга, ички бозорда меҳнат унумдорлигини оширишга туртки бўлди (WB, 2023).

Инфляция кўрсаткичлари бевосита солиқ сиёсатининг нархлар барқарорлигига таъсирини аниқлашда муҳим роли мавжуд. Марказий банк маълумотларига кўра, 2023 йил биринчи ярмида расман қайд этилаётган инфляция 9–10% атрофида сақланган (Марказий банк, 2023). 2022 йил якуни билан солиштирилганда бу кўрсаткич бироз пасайган бўлиб, мутахассислар буни ички бозорда талаб ва таклиф нисбатан мувозанатлашгани, солиққа оид айрим енгиллаштирувчи чоралар тадбиркорларга ижобий таъсир кўрсатгани билан изоҳлайдилар. Бироқ нархлар барқарорлигига таъсир этишда солиқ сиёсатидан ташқари логистика, ташқи иқтисодий алоқалар, хом ашё нархлари динамикаси каби омиллар ҳам мавжуд бўлгани учун ҳолат бироз мураккаблашади (IMF, 2023). Шу боис илмий ёндашувда биргина ставка ёки имтиёзлар билан инфляцияни шубҳасиз тарзда бошқариш мумкин дейиш мушкул. Лекин айрим истеъмол товарлари ва қурилиш соҳаси учун солиқ имтиёзлари орқали вужудга келадиган таннарх пасайиши, қисман бўлса-да, ички бозорда нархлар ўсишининг олдини олиши мумкин (MinFin, 2023).

Макроиқтисодий таҳлилда шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, қарийб ҳар бир мамлакатда солиқ тушумлари (ёки улар ортидан тўлдириладиган бюджет ресурслари) давлат харажатларининг асосий манбаидир. 2022 йилда Ўзбекистон бюджети даромадлари пахта-тўқимачилик кластерлари, металлургия саноати, сервис соҳаси (айниқса, туризм) ва қурилиш тармоғидан тушган солиқлар эвазига салмоқли ўсгани қайд этилган (MinFin, 2022). Натижада таълим, соғлиқни сақлаш ва транспорт инфратузилмасини яхшилаш мақсадида ажратилаётган маблағлар 2023 йилда янада кўпайтириш кўзда тутилган (MinFin, 2023). Илмий ёндашув шундан далолат берадики, бюджет харажатлари кўпайиши вақтида иқтисодиётда таназзул келиб чиқмаслиги учун солиқ ставкалари ва имтиёзлар оптимал миқдорда белгиланиши лозим (Musgrave, 1959). Мақсад-имтиёзлар адолатли тақсимланмаса, бир вақтнинг ўзида бюджети адекват даражада таъминлаш мушкуллашади, шу сабаб ижтимоий соҳа молиялашувида нораціонал ҳолатлар юзага келиши мумкин (Stiglitz, 2010).

Ташқи қарз мувозанати билан боғлиқ жараёнлар ҳам солиқ сиёсатининг муҳим бир кўламини ифодалайди. Чунончи, 2023 йил бошида Ўзбекистон ташқи қарзи 26,5 миллиард АҚШ долларига етиб, ЯИМга нисбатан қарийб 36–37% ни ташкил этди, деган тахминлар мавжуд (WB, 2023). Дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан таққосланганда бу кўрсаткич потенциал таваккалчиликка ишора қилади, бироқ муомалада бўлган сармоялар кўпроқ иқтисодий унумдорликни ошириш имконини берса, айти пайтда

уларни қайтариб бериш салоҳияти ҳам ортишини кутиш мумкин. Лекин ташқи қарзни муддатида қоплаш учун жойларда экспорт салоҳиятини кучайтириш, ички бозорда баландроқ қўшимча қиймат яратиш ва илмий-амалий ишланмаларни рағбатлантириш зарур (UNDP, 2023). Бу масалаларда солиқ сиёсатининг суянч функцияси кўзга ташланади: кичик бизнес ва экспортчи корхоналар учун мақбул шароит яратилса, улар орқали иқтисодиётда иқтисодий ўсиш, бюджет тушумлари ўсиши ва ташқи қарз қайтиши тизимли тарзда ҳаркатга келади (Laffer, 1985).

Солиқ сиёсатини баҳолашда иккинчи муҳим йўналиш — микродаража, яъни корхоналар, кичик бизнес, стартаплар, IT-сектор ҳамда аҳоли табақалари учун қандай иқтисодий шароит яратаётганини тушуниш ҳисобланади (Stiglitz, 2010). Бизда айрим соҳа ёки маҳсулотларга камайтирилган ставка жорий этилиши ҳамда ҳисобот талабларининг соддалаштирилиши кичик бизнесга ривожланиш имконини берса, энг катта ютуқлардан бири — иш ўринлари кенгайиши ҳисобланади. Марказий банк (2023) маълумотларига қараганда, 2022 йилда кичик бизнес соҳаси ялпи ички маҳсулотда 52% улуш билан етакчи бўлган, иш билан таъминланган аҳолида эса ушбу сектор 76% атрофида улуш қайд этилган (СБУ, 2023). Демак, ўрта ва кичик корхоналар ўзаро рақобат муҳитида самарали ишлашлари учун рағбат сифатида, тушунарли статистик вазифалар ва онлайн-ҳисобот тизимлари тақдим этилиши уларни “ёпиқ” фаолиятдан олиб чиқади. Бу жиҳатда илмий таҳлилга таяниб, қанча солиқ имтиёзлари бюджет учун қўшимча юк бўлмайди, қай даражада янги иш ўринларини яратиш билан қопланади, деган саволларга жавоб топиш лозим.

Хорижда, хусусан, Жанубий Корея тажрибасида бир неча йил мобайнида инновацион стартапларни камайтирилган ставка билан таъминлаш натижасида мамлакатда технологик компаниялар сони кескин ортгани кузатилган (OECD, 2021). Сингапур эса эркин иқтисодий зоналарда айрим хорижий сармоядорларга солиқ юкини қисқартириш эвазига маҳаллий бўлимлар очиб, технологик трансферни амалга ошириш мақсадида қулай шароит яратгани билан машҳур (Piketty, 2014). Ўзбекистон ҳам сўнгги йилларда IT-Park, инновация марказлари, кичик салоҳиятли лойиҳалар учун солиқ субсидиялари эълон қилиши билан технологик стартаплар оқими кенгайганини маълум қилган (MinFin, 2023). 2022–2023 йилларда ахборот технологиялари экспортларида йиллик ҳисса 1 миллиард АҚШ долларига яқинлашгани, сўнгги 3–4 йил ичида бу кўрсаткич қарийб уч баравар ошгани аниқланди (DStQ, 2023). Демак, илмий ёндашувда камайтирувчи ставкалар ёки махсус имтиёзлар аниқ мақсад учун хизмат қилса, бир неча йил ичида экспорт салоҳияти ривожланиши орқали бюджет тушумлари ҳам ўсади.

Норасмий иқтисодиёт, яъни расмий сектордан ташқарида қолиб кетадиган ноқонуний ёки ноаниқ фаолиятлар кўлами иқтисодиётда бир вақтда икки муаммони келтириб чиқаради: биринчиси, бюджет тушумлари камаёди; иккинчиси, рақобат муҳити бузилиб, ноқонуний муносабатлар, коррупция ҳолатлари авж олади (Tilly, 1990). Халқаро ташкилотларнинг баҳоларига кўра, айрим ривожланаётган мамлакатларда норасмий иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотга нисбатан 20–30% ни ташкил қилиши мумкин (IMF, 2023). Ўзбекистонда ҳам норасмий сектор улуши 15–20% чегарада деб тахмин қилинади (UNDP, 2023), аниқ рақамларни келтириш мушкул бўлса-да, 2020–2022 йилларда электрон касса аппаратлари ва электрон ҳисобот тизимини жорий этилиши ҳисобига расмийроқ қиёсий таҳлил ўтказиш имкони пайдо бўлди.

Шу жараёнда солиқ сиёсатининг роли шундаки, агар ставкалар чексиз равишда юқори белгилаб қўйилса, айрим корхоналар норасмий тарзда фаолиятини олиб боришни мақсад қилади ёки фаолиятини тарқоқ бўлимлар воситасида юритади. Лекин мақбул ставкалар, электрон ҳисобот билан биргаликда рағбатлантирувчи фактор бўлади (Laffer, 1985). Масалан, 2021–2022 йиллар давомида кичик бизнесни расмий секторга чиқариш учун солиқ ставаларини қисқартириш ҳисобига мамлакатда илк

марта расман рўйхатдан ўтган 56 мингдан ортиқ кичик корхона аниқланган (Давлат солиқ қўмитаси, 2022). Бунда турли соддалаштирилган тартиблар, мурожаат жараёнида электрон навбат тизими, ҳисоботлар интеграциясини йўлга қўйиш мос равишда шаффофликни ортирди. Шу билан бирга, норасмий иқтисодиётнинг улуши расман 2–3% камайгани қайд этилган (MinFin, 2023).

Солиқ сиёсатининг яна бир муҳим мақсади — иқтисодиётда илмий-техник тараққиётни рағбатлантириш, шу орқали юқори қўшимча қийматли маҳсулот ишлаб чиқариш улушини оширишдир (Samuelson, 1954). Сўнгги йилларда турли мамлакатларда рақамли иқтисодиёт, электрон тўловлар, интернет орқали хизматлар экспорти сезиларли равишда ортмоқда, бу жараёнда солиқ сиёсатининг ҳар хил инструментлари синалган. Масалан, Ирландияда айрим трансмиллий корпорациялар учун жуда паст корпоратив солиқ ставкаси белгиланиши чет эл сармоядорларининг оқимиға сабаб бўлган (OECD, 2021). Лекин бу каби чекланмаган имтиёзлар узоқ муддатда маҳаллий бизнес рақобатбардошлиғига салбий таъсир этиши, давлат бюджетига етарли тушум тушмаслиги ҳам мумкин (Stiglitz, 2010).

Ўзбекистонда ахборот технологиялари учун солиқ имтиёзлари жорий қилиниши натижасида 2022–2023 йилларда экспорт қилинган ИТ-хизматлар қиймати қарийб 1 миллиард АҚШ долларига етган, 2019 йилда бу кўрсаткич 300–350 миллион доллар атрофида эди (DStQ, 2023). Шу билан бирга, илғор стартаплар сафарбар бўлган ихтисослашган мутахассислар сони ҳам сезиларли равишда ортаётгани кузатилади (MinFin, 2023). Яъни мақсадли имтиёзлар бир вақтда бир нечта мақсадга хизмат қила олади: хорижий сармояларни жалб қилиш, иш ўринлари яратиш, технологик кучайиш орқали ташқи қарзлар қайтиши учун хизмат қилувчи экспорт даромадларини ошириш. Шу тариқа илмий-таҳлилий ёндашувда “бир уқ билан бир неча қуён”ни уриш мумкин, яъни ўсиш ҳам бизнес рағбати, ҳам бюджет тушумлари динамикаси, ҳам иқтисодий тараққиёт стабиллиги бир неча босқичда таъминланади (Samuelson, 1954).

Солиқ сиёсатининг ижтимоий жиҳати орасида прогрессив шкала ёки бир маромдаги ставка каби тушунчалар ҳам муҳим ўрин тутди. Баъзи Европа мамлакатларида (масалан, Францияда) юқори даромадли қатламлар кўпроқ солиқ тўлайдиган системалар жорий қилинган (Piketty, 2014). Аммо бу ҳолда сармоядорларнинг фаолияти сустлашиши ёки бойликни яшириш хавфи пайдо бўлиши мумкин. Бир маромдаги ставка (flat tax) эса бошқарувда соддалик беради, лекин кам таъминланган аҳоли қатламлари учун адолат масалалари туради (Stiglitz, 2010). Ўзбекистонда киритилган ислохотлар бир қанча прогрессив элементларга эга бўлиши билан бир қаторда даромад солиғи ставкасини нисбатан пастлаштирилганлиги ҳам маълум. 2022 йил учун жисмоний шахслар даромад солиғи ўртача 12% тарзида мавжуд бўлган бўлса, ўртача ойлик маошлари юксалиб бораётган айрим тоифалар учун қўшимча элементлар жорий қилинган (MinFin, 2022). Бу жараёнда кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш учун ажратилаётган субсидиялар ҳам солиқ тушумлари ҳисобидан ташкил этилади. Айрим иқтисодчилар фикрича, бундай ёндашувда унинг амалий оқибатларини тўлиқ илмий асосда баҳолаш учун узоқроқ давр керак бўлади (Stiglitz, 2010).

Солиқ сиёсатининг самараси кўп жиҳатдан илмий тусдаги моделлаштириш, мустақил таҳлилий марказлар ролини кучайтириш, электрон ҳисоботлар ва маълумотлар очиқлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқ (Tilly, 1990). АҚШда Congressional Budget Office (CBO) ҳар бир янги қонун, хусусан, солиқ амалиётини илмий баҳолашда парламентарийларга холис ишончли маълумотлар тақдим этиши билан танилган. Буюк Британияда Office for Budget Responsibility (OBR) шу вазифани бажаради (Stiglitz, 2010). Натижада бир томондан сиёсий қарашлар, иккинчи томондан илмий изланишлар оралиғида мувозанат сақланади. Сингапур эса халқаро сармоя жалб қилиш маркази сифатида ҳар бир имтиёздан кутилаётган натижаларни иқтисодий моделлар

орқали ҳисоблаб, аниқ кўрсаткичлар билан жорий этишни мақсад қилиб олган (OECD, 2021). Натижада, технопарклар сони ва иш ўринлари кўпайиши воситасида бюджет тушумлари ҳам ошиб боради, аҳоли учун фаровонлик элементлари таъминланади.

Ўзбекистонда илмий ёндашувни кучайтириш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази, бир қатор университетлар билан ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бироқ аниқ индекслар, рақамли кўрсаткичлар билан ишловчи мустақил органлар роли ҳали тўлиқ мустаҳкамланганича йўқ. Агар парламент қарорларидан олдин мустақил иқтисодчилар модели, академик институтлар баҳолари, амалиётчи мутахассислар фикри мунтазам очиқ муҳокама қилиниб борилса, илмий ёндашув самарадорлиги ортади. Бу эса солиқ сиёсатини жамоатчилик олдида шаффофлаштиради, суистеъмол қилиш эҳтимолини камайтиради ва турли манфаатлар мувозанати яхшироқ таъминланади (Tilly, 1990).

Ҳар қандай сценарийни аниқ рақамлар билан уйғунлаштириб, илмий тарзда баҳолашда мустақил таҳлилий институтлар, университетлар ва экспертлар гуруҳи муҳим вазифани бажаради (Musgrave, 1959). Улар қарори қабул қилишдан олдин бир нечта вариантларни компьютер моделлари ёки статистик таҳлиллар ёрдамида кузатиб, сиёсий-иқтисодий оқибатларни маълум даражада олдиндан кўра олади (Tilly, 1990). Чунки сиёсатчилар кўпроқ қисқа муддатли натижаларга, бизнес корхоналар эса бозор мувозанати ва ўз манфаатига эътибор қаратади. Илмий ёндашув эса иқтисодий ўсиш, норасмий иқтисодиёт улуши, бюджет баланси, ташқи қарз динамикаси, жамият фаровонлиги, даромадлар тенгсизлиги каби кўрсаткичларни янада кенг қамровли таҳлил қилиш имконини беради (Stiglitz, 2010).

Бироқ илмий адабиётларда (Tilly, 1990; Musgrave, 1959) уқтирилишича, иқтисодий сиёсатда холис таҳлил институтлари мустақил бўлиши жуда муҳим, чунки улар сиёсий гуруҳлар ёки ташқи кучлар таъсиридан холи ҳолда иқтисодий манфаатлар мувозанатини ҳимоя қила олади. Ҳар бир янги қабул қилинаётган ислохот ҳақида ахборот воситалари билан бирга ишланса, жамоатчилик ҳам уларни яхши тушуниб, расмий секторга сўзсиз жалб этилиши тезлашади.

Юқоридаги барча таҳлиллар шуни кўрсатадики, солиқ сиёсатини илмий ёндашув билан мунтазам равишда баҳолаб бориш иқтисодиётда узвий барқарорлик, кучли рақобат муҳити ва кенг қамровли ижтимоий фаровонликка эришиш учун энг асосий омиладир. Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар фондида, рақамли иқтисодиёт, камайтирилган ставка ва айрим соддалаштирилган солиқ тизимлари, экспортни ривожлантиришда имтиёзлар тақдим этиш, норасмий иқтисодиётни қисқартириш учун электрон касса аппаратлари ва ҳисоботлар каби чоралар маълум даражада натижа бераётгани кўриниб турибди. Лекин ҳар қандай ислохотни жорий этишдан олдин чуқур илмий таҳлил қилиш кераклиги, бу жараёнда экспертлар, тадқиқотчилар, бизнес ва аҳоли ўртасида очиқ коммуникация юзага чиқиши лозимлиги кўплаб хорижий мамлакатлар тажрибаси билан ҳам тасдиқланади (OECD, 2021).

Шундай қилиб, солиқ сиёсатини тўғри ташкил этиш, бир томондан, бюджет даромадларини оптимал йўналтиришга эришса, иккинчи томондан, хусусий сектор ва аҳоли фаровонлиги манфаатларини ҳам яхлит тарзда инобатга олади. Бундай тартибда илмий ёндашувларнинг мунтазам тарғиби, рақамлаштирилган маълумотлар базасининг очиқлиги, мустақил таҳлилий марказлар иштироки ва бизнес ҳамжамияти билан доимий мулоқот қилиш иқтисодий сиёсат самарадорлигини бир неча поғона юксалтириши мумкин. Натижада, узоқ муддатда давлат қарзи муаммолари камаяди, инфляция мувозанати сақланади, норасмий иқтисодиёт қисқаради, жаҳон бозорларида рақобатбардошлик мустаҳкамланади ва пировардида аҳоли бандлиги ҳамда турмуш сифати яхшиланишига эришилади.

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистонда солиқ тизимини илмий асосда шакллантириш, давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда энг муҳим механизмлардан бири ҳисобланади. Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, солиқ сиёсатининг оқилона юритилиши бир вақтнинг ўзида бир нечта мақсадни қамраб олиши мумкин: бюджет тушумлари ортиши, хусусий секторда рақобат муҳитини яхшилаш, норасмий иқтисодиётни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш. Шу билан бирга, ҳар қандай ислохотни режа қилишда илмий ёндашувни асос қилиб олиш, маълумотлар базасини рақамли механизмлар билан таъминлаш ҳамда мустақил таҳлилий органлар кўмагидан фойдаланиш самарадорликни бир неча баробар юксалтириши мумкин.

Солиқ ставкаларини ошириш ёки камайтиришда бу жараёнда юзага келадиган узвий оқибатларни олдиндан баҳолаш, ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмолчилар қандай ўзгариши мумкинлигини тўғри баҳолаш зарур. Масалан, жуда баланд ставка ноқулайликлар туғдириб, инвестиция оқими сустлашиши ва норасмий секторни кенгайтиришга сабаб бўлиши эҳтимоли мавжуд. Аксинча, жуда паст ставка эса бюджет даромадларини чеклаб, муҳим ижтимоий соҳа ва инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш имкониятларини камайтиради. Шу боисдан, илмий асосда ҳисобланган оптимал солиқ режими иқтисодиётда узоқ муддатли барқарор ривожланиш кафолати бўлиши мумкин.

Хорижий тажриба кўрсатганидек, АҚШ, Германия, Сингапур, Жанубий Корея каби мамлакатларда мустақил таҳлилий марказлар ва илмий муассасалар роли кучли бўлиб, ҳар бир янги чора ёки ставка илмий моделлаштирилади. Бунда ҳар томонлама фойдазарар баҳоланади, натижада сиёсий қарорлар қабул қилинишидан олдин кўплаб сценарийлар орасида энг мақбули танлаб олинади. Ўзбекистонда ҳам илмий институтлар ва давлат идоралари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, электрон ҳисоботлар ҳамда рақамли маълумотлар базасини очиқ тарзда олиб бориш солиқ сиёсатини муваффақиятли амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотимиз доирасида шакллантирилган таклифлар:

– солиқ сиёсатини илмий таҳлил қилишда мустақил марказлар, илмий-тадқиқот институтлари ва университетлар иштирокини кўпайтириш, уларни ҳуқуқий асос билан қўллаб-қувватлаш;

– макроиқтисодий муҳит, тармоқлар, ҳудудлар ва турли аҳоли қатламларига доир аниқ маълумотлар базасини рақамлаштириш, улар орқали ҳар қандай имтиёз ёки ставка ўзгариши оқибатларини олдиндан баҳолаш;

– кичик бизнес ва технологик стартаплар учун мўлжалланган мақсадли имтиёзлар пакетини илмий асосда ҳисоблаш, шу билан бирга бюджет манфаатларини ҳам сақлаш;

– норасмий иқтисодиётни қисқартириш учун электрон касса аппаратлари, рақамли ҳисоб-фактуралар ва онлайн мониторингни оммавий жорий этиш, имтиёзлардан оқилона фойдаланиш тартибини кучайтириш;

– даромадлар тенгсизлигини камайтириш учун прогрессив ёки ўзгарувчан солиқ режаларини босқичма-босқич жорий этиш, оқибатларини эса узлуксиз мониторинг қилиш.

Юқоридаги чоралар амалга оширилса, солиқ сиёсатининг иқтисодиётда рағбатлантирувчи, норасмий иқтисодиётни қисқартирувчи ва давлат бюджети барқарорлигини таъминлашга хизмат қилувчи асосий қурол сифатидаги ўрни янада мустаҳкамланади. Натижада, Ўзбекистонда иш ўринлари кўпайиши, рақобат муҳитининг адолатли шаклланиши, аҳоли фаровонлиги ошиши ва илғор технологиялар негизида экспорт салоҳияти юксалиши учун кенг имкониятлар яратилади.

Адабиётлар/ Литература/ References:

Bhatti M. A., Isayev F. (2023) *Evaluating the Effectiveness of Mandatory IFRS Adoption in Enhancing Transparency and Governance in Saudi Arabia //Cuadernos de Economía. – T. 46. – №. 132. – С. 110-119.*

CBU (2023) *Rasmiy statistika ma'lumotlari*. Available at: <https://cbu.uz>.

Davlat soliq qo'mitasi (2022) Yillik hisobot. Toshkent: Davlat soliq qo'mitasi nashriyoti.

Davlat statistika qo'mitasi (2023) O'zbekiston iqtisodiyotiga doir statistika ma'lumotlari. Toshkent: DStQ nashriyoti.

Ikromovich, I.F. (2022). *Analysis of resource taxes based on tax analysis technique*. *International Journal of Management IT and Engineering*, 12(12), 65-71.

IMF (2023) *World Economic Outlook*. Washington, D.C.: International Monetary Fund.

Isaev, F. (2021). *Advantages of applying tax incentives in the conditions of economic crisis*. *International Journal of Marketing and Technology*, 11(8), 15-25.

Isaev, F.I. (2021). *Tax Policy of the Republic of Uzbekistan*. *International Journal of Management IT and Engineering*, 11(8), 1-9.

Keynes, J.M. (1936) *The General Theory of Employment, Interest and Money*. London: Macmillan.

Laffer, A. (1985) 'Supply-Side Economics', *Financial Analysts Journal*, 41(5), pp. 29–43.

Leontief, W. (1986) *Input-Output Economics*. 2nd edn. New York: Oxford University Press.

MinFin (2022) *Davlat byudjeti ijrosi bo'yicha hisobot*. Toshkent: O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi.

MinFin (2023) *Davlat byudjeti parametrlari va iqtisodiy ko'rsatkichlar*. Toshkent: O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi.

Musgrave, R.A. (1959) *The Theory of Public Finance: A Study in Public Economy*. New York: McGraw-Hill.

OECD (2021) *Tax Policy Reforms in OECD Countries*. Paris: OECD Publishing.

Piketty, T. (2014) *Capital in the Twenty-First Century*. Cambridge, MA: The Belknap Press of Harvard University Press.

Ricardo, D. (1817) *On the Principles of Political Economy and Taxation*. London: John Murray.

Samuelson, P.A. (1954) 'The Pure Theory of Public Expenditure', *The Review of Economics and Statistics*, 36(4), pp. 387–389.

Smith, A. (1776) *An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations*. London: W. Strahan and T. Cadell.

Stiglitz, J.E. (2010) *Freefall: America, Free Markets, and the Sinking of the World Economy*. New York: W. W. Norton & Company.

Tilly, C. (1990) *Coercion, Capital, and European States, AD 990-1992*. Cambridge, MA: Basil Blackwell.

UNDP (2023) *Uzbekistan: Socio-Economic Analysis*. Tashkent: United Nations Development Programme.

WB (2023) *World Bank Data*. Available at: <https://worldbank.org> [Accessed 20 Sept 2023].

Давлат солиқ қўмитаси (2022) Солиқ сиёсатини ислоҳ қилиш бўйича йиллик ҳисобот, Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси нашриёти.

Исаев Ф. (2021) *Совершенствование налогообложения имущества //Экономика и инновационные технологии.– №. 6. – С. 326-333.*

Исаев Ф. (2023) *Аудит самарадорлигининг назарий-амалий талқини //Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка. – С. 359-361.*

Исаев Ф. И. (2021). *Солиқ текширувларини рақамлаштириш зарурияти. "Бизнес-эксперт" илмий журнали.– Т. 6. – С. 52-54.*

Исаев, Ф. (2021). Солиқ юкини аниқлаш методикасини такомиллаштириш. *Iqtisodiyot Va ta'lim*, (6), 86–91. https://doi.org/10.55439/ECED/vol_iss6/a286

Исаев, Ф. (2022). Йирик корхоналар мисолида солиқ йиғилувчанлиги кўрсаткичини таҳлил қилиш методикасини такомиллаштириш. *Iqtisodiyot Va ta'lim*, 24(1), 317–326. <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/955>

Исаев, Ф. (2023). Молиявий ҳисобот сифатини оширишда солиққа тортиш, мустақил аудит ва ички назоратнинг ўрни. *Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil*, 1(7), 305–310. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2023-vol1-iss7-pp305-310>

Исаев, Ф. (2023). Солиқ таҳлили - иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми. *Nashrlar*. <https://e-itt.uz/index.php/editions/article/view/35>

Исаев, Ф. (2023). Солиқ ислоҳотлари ва уларнинг оқибатларини баҳолаш. *Nashrlar*, 1(2), 59–62. <https://e-itt.uz/index.php/editions/article/view/421>

Исаев, Ф. (2023). Солиқ ислоҳотларининг таъсирини таҳлил қилиш. *Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil*, 1(6), 155–161. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2023-vol1-iss6-pp155-161>

Исаев, Ф. (2023). Солиқ ислоҳотларининг таъсирини таҳлил қилиш. *Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil*, 1(6), 155–161. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2023-vol1-iss6-pp155-161>

Исаев, Ф. (2023). Солиқ таҳлилининг фискал сиёсат самарадорлигига таъсир қилиш усуллари. *Nashrlar*, 1(1), 128–131. <https://doi.org/10.60078/2023-vol1-iss1-pp128-131>

Исаев, Ф. (2023). Солиқ текширувлари: аудит самарадорлиги таҳлили. *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар*, 11, 394–401. https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a42

Исаев, Ф. (2023). Солиқ юкини камайтиришда солиқ таҳлилининг таъсирига оид назарий мулоҳазалар. *International Journal of Economics and Innovative Technologies*, 11(2), 415–421. https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss2/i41

Исаев, Ф. (2023). СОЛИҚЛАРНИНГ ФАРОВОНЛИККА ТАЪСИРИ НАЗАРИЯСИ. "Milliy Iqtisodiyotni Isloh Qilish Va Barqaror Rivojlantirish istiqbollari" Respublika Ilmiy-Amaliy Konferensiyasi Materiallari to'plami, 206–208. <https://conference.tsue.uz/index.php/article/article/view/393>

Исаев, Ф. (2024). Рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ таҳлилининг методологик ёндашувлари. *Nashrlar*, 156. <https://e-itt.uz/index.php/editions/article/view/667>

Исаев, Ф. (2024). Рақамли молиявий активларни солиққа тортиш масалалари. *Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil*, 2(1), 352–360. <https://e-itt.uz/index.php/eitt/article/view/632>

Исаев, Ф., & Камилова, С. (2024). Электрон тижоратни солиққа тортишнинг назарий асослари. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 2(3), 296–304. https://doi.org/10.60078/2992-877X-2024-vol2-iss3-pp_296-304